O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
UYCHI TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

«23» 09 2020 yil Uychi shaharchasi 774 -sonli

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

RASMIY XUJJATLAR UCHUN

UYCHI TUMAN HOKIMLIGI
ASLIGA TO’G’RI
Imzo

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2021 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 393 нафарни ташкил этадиган 10 фоиз миқдорида, шу жумладан:

-ногиронлар учун 3,1 фоиз (123 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 10 та бўлганлиги сабабли, келгусида 250 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

-умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,5 фоиз (137 киши);

-ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 2,1 фоиз (84 киши);

-пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,3 фоиз (13 киши);

-сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,4 фоиз (14 киши);

-жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,3 фоиз (13 киши);

-одам савдоси қурбонлари учун 0,3 фоиз (10 киши) миқдорида иш ўринлари заҳирасини белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI UYCHI TUMAN HOKIMLIGI
RASMIY XUJJATLAR UCHUN
UYCHI TUMAN HOKIMLIGI
ASLIGA TO'G'RI
Imzo:

-14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

-умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

-сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

-ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

-пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

-жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

-одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарбиячи, ёрдамчи тарбиячи, тарозибон, электрик, автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш

RESPUBLIKASI MANGAN VILOYATI UYCHI TUMAN HOKIMLIGI
RASMIY XUJJATLAR UCHUN
UYCHI TUMAN HOKIMLIGI
ASLIGA TO'G'RI
Imzo:

ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

-2021 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, захирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

-ижтимоий муҳофазага муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2021 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

-ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин;

-ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий

RASMIY XUJJATLAR UCHUN
UYCHI TUMAN HOKIMLIGI
ASLIGA TO'G'RI
Imzo:

эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлашни таъминлансин.

8.Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (М.Имамов) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор “Уйчинома” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б Ш.Имамов зиммасига юклатилсин.

RASMIY XUJJATLAR UCHUN

Туман ҳокими **М. Апақов**

UYCHI TUMAN HOKIMLIGI
ASLIGA TO'G'RI
Imzo:

Туман ҳокимининг
2020 йил 8 сентябрдаги
114-сонли қарорига
1-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:

1. Ш.Имамов - Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б

Комиссия раисининг ўринбосари:

2. М.Имамов - Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари:

3. Х.Бозарова - Уйчи тумани ҳоким ўринбосари, маҳалла ва оилани қуллаб-қувватлаш бўлими биринчи ўринбосари

4. Ш.Камалов - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби

5. Ш.Мурадов - Туман Халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

6. Ф.Бобомирзаев - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш жойлардан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби:

7. М.Хусанов - Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг Ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлимининг бошлиғи

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари в.б **Ш.Имамов**



Туман ҳокимининг
2020 йил 26.09 даги
774-сонли қарорига
2-илова

Уйчи туманида "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан корхона ва ташкилотларда 2021 йилга белгиланган квота иш ўринлари ҳақида

М А Ъ Л У М О Т

№	Ташкилотлар	Жами ишлов-чилар сони	Яратилиши-лозим бўлган иш ўринлар сони	Шу жумладан													
				Ногиронлар учун (3 фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун		Туман Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун		Муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун		Жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун		Одам савдоси қурбонлари учун	
				сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
1	Туман ободонлаштириш бошқармаси	208	21	6,5	3,1	4,0	1,9	4,0	1,9	2,0	1,0	1,0	0,5	2,0	1,0	1,5	0,7
2	Уйчи туман Тиббиёт бирлашмаси	2076	208	62,0	3,0	77,0	3,7	49,0	2,4	4,0	0,2	8,0	0,4	5,0	0,2	3,0	0,1
3	Уйчи туман СЭОМ бўлими	67	7	2,0	3,0	1,0	1,5	1,5	2,2	1,0	1,5	1,0	1,5	0,0	0,0	0,0	0,0
4	"MEGA TEKSTIL" МЧЖ шаклидаги ҚК	200	20	6,0	3,0	5,0	2,5	3,0	1,5	1,0	0,5	2,0	1,0	2,0	1,0	1,0	0,5
5	Уйчи туман Халқ таълими бўлими	62	6	2,0	3,2	2,0	3,2	2,0	3,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6	Уйчи туман Мактабгача таълим бўлими	39	4	1,5	3,8	1,5	3,8	0,7	1,8	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,2	0,5
7	Уйчи туман 1-сонли касб-хунар мактаби	45	5	1,5	3,3	2,0	4,4	1,0	2,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
8	Уйчи туман 2-сонли касб-хунар мактаби	35	3,5	1,5	4,3	1,0	2,9	1,0	2,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
9	2-umumiy o'rta ta'lim maktabi	75	8	2,5	3,3	3,0	4,0	1,0	1,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	1,3
10	3-umumiy o'rta ta'lim maktabi	105	11	3,5	3,3	2,0	1,9	1,5	1,4	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	0,5	0,5
11	9-umumiy o'rta ta'lim maktabi	64	6	2,0	3,1	3,0	4,7	1,0	1,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,4	0,6
12	10-umumiy o'rta ta'lim maktabi	64	6	2,0	3,1	2,0	3,1	2,0	3,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,8
13	20-umumiy o'rta ta'lim maktabi	106	11	3,0	2,8	3,0	2,8	2,0	1,9	1,0	0,9	0,0	0,0	1,0	0,9	0,6	0,6
14	22-umumiy o'rta ta'lim maktabi	90	9	3,0	3,3	3,0	3,3	2,0	2,2	1,0	1,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
15	34-umumiy o'rta ta'lim maktabi	89	9	3,0	3,4	2,0	2,2	1,5	1,7	1,0	1,1	1,0	1,1	0,0	0,0	0,4	0,4

16	37-umumiy o'rta ta'lim maktabi	55	6	2,0	3,6	2,0	3,6	1,5	2,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
17	40-umumiy o'rta ta'lim maktabi	70	7	2,0	2,9	2,0	2,9	2,0	2,9	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	1,4	0,0	0,0
18	45-umumiy o'rta ta'lim maktabi	96	10	3,0	3,1	3,0	3,1	1,5	1,6	1,0	1,0	0,0	0,0	1,0	1,0	0,0	0,0
19	7-maktabgacha ta'lim muassasasi	41	4	1,5	3,7	2,0	4,9	0,6	1,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
20	19-maktabgacha ta'lim muassasasi	33	3	1,0	3,0	2,0	6,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,3	0,9
21	17-maktabgacha ta'lim muassasasi	55	6	2,0	3,6	2,0	3,6	1,5	2,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
22	20-maktabgacha ta'lim muassasasi	49	5	1,5	3,1	2,0	4,1	1,0	2,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,4	0,8
23	24-maktabgacha ta'lim muassasasi	46	5	1,5	3,3	2,0	4,3	1,0	2,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,1	0,2
24	25-maktabgacha ta'lim muassasasi	44	4	1,5	3,4	2,0	4,5	0,8	1,8	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,1	0,2
25	34-maktabgacha ta'lim muassasasi	39	4	1,5	3,8	2,0	5,1	0,4	1,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
26	37-maktabgacha ta'lim muassasasi	36	4	1,5	4,2	2,0	5,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,1	0,3
27	42-maktabgacha ta'lim muassasasi	38	4	1,5	3,9	2,0	5,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,3	0,8
	Жами	**3927**	**393**	**123**	3,1	**137**	**3,5**	**84**	**2,1**	**13**	**0,3**	**14**	**0,4**	**13**	**0,3**	**10**	**0,3**

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи **Ш.Имамов**

Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори. **М.Имамов**

Агар оғоҳсен сен, шоҳсен сен...
Алишер НАВОИЙ

Уйчинома

№ 30
(5671)
2020 йил
9 октябрь,
жума

www.uychinoma.uz
e.mail: uychinoma.gzt@inbox.uz
Туман ҳокимлигининг газетаси
Газета 1935 йил 20 мартдан чиқа бошлаган

"ҚОНИҚАРСИЗ" ДЕБ ТОПИЛГАН МИНГБУЛОҚ ВА ЯНГИҚЎРҒОН ТУМАНЛАР ҲОКИМЛАРИ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

2020 йил 2 октябрь куни Мингбулоқ туманида халқ депутатлари туман Кенгашининг ўн тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Унда дастлаб "Мингбулоқ туманидаги тадбиркорлар билан ўтказилган суҳбат якунлари ва келгусидаги вазифалар тўғрисида" Бизнес Омбудсманнинг Наманган вилояти вакили Ҳусниддин Аҳмедовнинг маърузаси тингланди.

"Мингбулоқ туманини 2020-2021 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш орқали "қизил ҳудуд"дан чиқариш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" туман ҳокими Нуршод Худойбердиев ҳисобот берди.

Тўртта сектор раҳбарлари туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари, шу жумладан, пасайишига сабаб бўлган хатолар ва нотўғри ҳисоб-китобларни тан олиб, туман ҳокимлиги камчиликларни тўғрилашни шу йил охиригача тугатиш, ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича ишониб топширилган ҳудуднинг "сариқ ҳудуд" даражасига чиқишини таъминлаш ва туманни қониқарсиз ҳолатдан олиб чиқиш бўйича режалари билан батафсил ўртоқлашди. Фаолиятдаги камчиликлар ва йўл қўйилган хатоларини такрорламасликка ваъда берди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари Ғайрат Бозоров ва вилоятдаги ОАВ вакиллари иштирок этди. Сессия ишидан сўнг туман секторлари раҳбарлари ва журналистлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Шундан сўнг куннинг иккинчи ярмида вилоятда "қониқарсиз" деб топилган яна бир туман - Янгиқўрғонда халқ депутатлари туман Кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларининг вакиллари, туман Кенгаши депутатлари иштирок этишди.

Дастлаб "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 сентябрь куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларнинг ижроси тўғрисида" туман ҳокими Асадилла Нажмиддинов, туман прокурори Қобилжон Аҳмаджонов, туман ИИБ бошлиғи Носиржон Мирзааҳмедов, туман ДСИ бошлиғи ўринбосари Асқаржон Холматовларнинг ҳисоботлари тингланди.

Янгиқўрғон туманини "қизил ҳудуд"дан чиқариш бўйича сектор раҳбарлари томонидан тайёрланган йўл харитаси ҳамда уларнинг ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоеванинг эътирозига сабаб бўлди. Қониқарсиз деб топилган йўл харитасини 15 кунда қайта тайёрлаш бўйича кўрсатма берди.

"Аниқ муддат ва режалар белгиланмаган, умумий гаплар билан сессияга тайёргарлик кўрилган", -деди Сенат раиси.

Сессия ишидан сўнг Сенат раиси Танзила Норбоева ва сектор раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Журналистлар матбуот анжумани давомида Сенат раиси ва туман ҳокимига мурожаат қилиб, ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топдилар.

Матбуот анжумани якунида туман ҳокими Янгиқўрғонни «қизил ҳудуд»дан олиб чиқа олмаса ўз вазифасидан кетиб, ўрнини ғайратли, тадбиркор ёшларга бўшатиб беришини айтиб ўтди.

Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси.

Туман ҳокимининг қарори

ИМАМОВ ШОКИРЖОН МАХАММАДСОДИҚОВИЧНИ ТУМАН ҲОКИМИНИНГ МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ – ТУМАН ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Имамов Шокиржон Махаммадсодиқович туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи лавозимига тайинлансин.
2. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

Туман ҳокими **М.АПАҚОВ.**

Уйчи шаҳарчаси,
2020 йил 23 сентябрь.

Танишинг, туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи

Шокиржон Махаммадсодиқович ИМАМОВ



Ш.М.Имамов 1987 йилда Уйчи туманида туғилган. Маълумоти олий, 2009 йили Тошкент давлат иқтисодиёт университетини сервис (иқтисодий хизмат кўрсатиш) мутахассислиги бўйича тамомлаган.

У меҳнат фаолиятини 2009 йили Ўзбекистон "Камолот" ЁИҲ туман бўлими кенгаши ташкилий, кадрлар ва ахборот таҳлил бўлимида етакчи мутахассисликдан бошлаган. Сўнг "Камалак" болалар ташкилоти раиси, 2011-2013 йилларда Республика маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари, 2013-2018 йилларда туман ҳокимлигининг иқтисодий-ижтимоий

ЎҚУВ МАРКАЗИ ЯНГИ БИНОДА

Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбари А.Тиллаволдиев ташаббуси ҳамда амалий ёрдами билан ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилган Уйчи шаҳарчасидаги "SHAXNOZ MASTER KLASS" ўқув марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.



2020 йилларда туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчиси, туман иқтисодиёт ва саноат бўлими бошлиғи, туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчиси, туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғининг ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган.

Ш.М.Имамов туман ҳокимининг 2020 йил 23 сентябрдаги қарори билан туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи этиб тайинланди.

ИШЧИ ГУРУҲИ УЙЧИДА



2020 йилги пахта йиғим-терими давомида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда теримчилар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш мақсадида мутасадди ташкилотлар устидан қатъий назоратни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сенатнинг мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи аъзолари бу борада Уйчи туманида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Улар жойларда фермер хўжаликлари пахтазорларида бўлиб, мутасадди раҳбарлар, фермерлар, теримчи ва ҳашарчилар билан яқиндан мулоқот қилишди.

Мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш, пандемия шароитини инобатга олиб, пахта йиғим-терими ишларини санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкиллаштириш, терим пулларининг берилиши, ишловчилар учун яратилган шароитлар ўрганилди.

Ишчи гуруҳи аъзолари Уйчи туманида олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бердилар.

"ШУҲРАТ" МЕДАЛИ МУБОРАК!



"Ўқитувчи ва мураббийлар куни" муносабати билан таълим ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Улар орасида ҳамюртимиз, Наманган шаҳридаги Президент мактабининг информатика фани ўқитувчиси Баҳодир Ҳабибуллаевич Гулматов ҳам бор. У "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Ушбу мукофот билан уйчилик фидойи муаллимни самимий табриклаймиз!

Туман ҳокимининг қарори

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги "2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида"ги ПҚ-4227-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май)га асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2021 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 393 нафарни ташкил этадиган 10 фоиз миқдорида, шу жумладан:

-ногиронлар учун 3,1 фоиз (123 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 10 та бўлганлиги сабабли, келгусида 250 та иш ўрнини умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

-умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,5 фоиз (137 киши);

-ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 2,1 фоиз (84 киши);

-пенсия олди ёшидаги шахслар учун 0,3 фоиз (13 киши);

-сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,4 фоиз (14 киши);

-жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,3 фоиз (13 киши);

-одам савдоси қурбонлари учун 0,3 фоиз (10 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим уз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

-14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

2 ↪

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

1-умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

-сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

-ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

-пенсияолди ёшидаги шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

-жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

-одам савдоси қурбонлари учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

-муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарбиячи, ёрдамчи тарбиячи, тарозибон, электрик, автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

-2021 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, захирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож

АЛМАШЛАБ ЭКИШ

юқори ҳосилдорлик гарови

Суғориладиган ерларда илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилмасдан туриб тупроқ унумдорлигини оширишга эришиб бўлмайди. Маълумки, бир экинни бир далага муттасил экавериш ернинг толиқишига, ҳосилдорлик пасайиб, тупроқда гумус миқдори кескин камайиб кетишига олиб келади. Алмашлаб экиш агротехник ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигини ошириш воситаси бўлибгина қолмай, кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, барча экинлардан мўл ҳосил олиш ва чорва маҳсулотлари кўпайтирилишини ҳам таъминлайди.

Жуда кўп тадқиқотлар ва ўтказилган тажрибалар суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишнинг бирдан-бир тўғри йўли - беда-пахта ва бизнинг шўрхок ҳамда бироз қумлоқ майдонларда мош алмашлаб экиш усули эканлигини тўла исбот этмоқда.

Беда ўсимлиги, айниқса, шўрлаган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилашда катта роль ўйнайди. Беда сувнинг тупроқ орқали буғланишини камайтиради, тупроқ хоссаси микроэлементлар билан бойишини кўпайтиради. Беда илдизлари тупроқ сатҳига чуқур кириб бориши натижасида сизот сувлари сатҳи 40-50 сантиметр ва ундан чуқурроққа тушиб кетади. Беда танаси жуда кўп тузларни шимиб олиши оқибатида ернинг ҳайдалма қатламида сувда осон эрувчи зарарли тузлар миқдори анча камаяди. Беда ўсимлиги биологик дренаж вазифасини бажаради.

Беда экилган майдонларда кўп миқдорда илдиз массаси ва илдиз қолдиқлари тўпланади. Бу қолдиқлар ҳисобига тупроқда мураккаб озуқа бирикмаларидан таркиб топган гумус - чиринди кўпаяди.

Беда экилган майдонлар азот тўплашнинг беқиёс манбаидир. Бу табиий азотлар заҳарсиз, атроф-муҳитни ифлосламайди.

Беда илдизлари тупроққа чуқур кириб, ён илдизлари атрофга тарқалиши натижасида тупроқнинг ғоваклиги ортади. Маълумки, пахта етиштириладиган ерларда ҳайдалма қатламдаги ўсимлик учун жуда зарур бўлган кальций элементлари ёғинсочин ва суғориш сувлари таъсирида чуқур қатламларда ювилиб кетади. Беданинг чуқур кетган илдизлари эса бу кальций моддаларини ўзлаштириб, уларни тупроқнинг юқори қатламига етказиб беради. Шу боисдан ҳам беданинг илдиз ва ангиз массалари кальцийга бой бўлади. Қолдиқ массалар чиришидан ажралиб чиққан кальций тупроққа сингиб, бу майдонларга экилган экинлар озуқа билан таъминланишини янада яхшилайди.

Бедапоялар ҳайдалиб, унинг ўрнига маккажўхори, сабзавот, полиз экинлари ва чигит экилганда тупроқ хоссаси кескин яхшиланиши эвазига улардан мўл ҳосил олинади. Беда ўрнига чигит экилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги 20-40 фоизгача ортади.

Алмашлаб экиш схемасига амал қилинган майдонларда одатдаги ерларга нисбатан 6-12 центнер кўп пахта олинади, ўғитлар самарадорлиги 34-40 фоиз ортади, маҳсулот таннархи 8-10 фоиз арзонлашади.

Умаржон РАСУЛОВ,
агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими катта инспектори.

ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРМАДИ

Назорат остидаги А.А. ЖИБ туман суди ҳукмига кўра, 3 йил 1 ой муддатга озодликни чеклаш жазосига тайинланганди. Бироқ А.А. ушбу ҳолатдан ўзига тўғри хулоса чиқармади. Унинг туман ИИО пробация гуруҳи томонидан бир неча бор чақирув қоғози орқали чақирилишига қарамай, ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиб келган. Бундан ташқари, текширувлар давомида яшаш хонадонида тунги 23.00 дан кейин йўқлиги қайта-қайта аниқланган.

Юқоридагиларни кўра, назорат остидаги А.А.нинг ўталмай қолган 1 йил 5 ой муддат озодликни чеклаш жазосини бошқа жазо турига алмаштиришни сўраб, судга тақдимнома киритилди.

Латифжон ОТАХОНОВ,
туман ИИО пробация гуруҳи инспектори.

* * * * * *

ХОНАДОНГА ЯШИРИНГАН НАРКОТИК

Наркотик моддани заҳри қотил дейишларича бор. У неча-неча оилаларни пароканда қилди, ёш умрларга завол бўлди, қанчадан-қанча тақдирлар келажагига "болта" урди. Бироқ, ачинарлиси, гиёҳванд модда олди-сотдиси, истеъмолига қўл ураётган кимсалар бу кўнгилсизликлар уни четлаб ўталигандай, бепарво бўлаверишади.

Айнан ис газининг ажралишига сабаблар - ностандарт ва носоз газ асбобларидан ҳамда иситиш печларидан фойдаланиш, талабга жавоб бермайдиган дудбуронларни ўрнатиш ёки уларни нотўғри ўрнатиш, мавжудларини ўз вақтида тозаламаслик, газнинг етарли миқдорда ҳаво билан аралашмаслиги кабилардир.

ИС ГАЗИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Европада ҳам индивидуал иситиш мосламаси - генераторларни ўрнатиш кенг ривожланган. Мазкур амалиёт янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган биноларда қўлланилмоқда. Жумладан, Лондон шаҳридаги якка тартибдаги ва кўп қаватли уйларнинг ҳар бир хонадонида автоматлаштирилган индивидуал иситиш тизими генераторлари, мажбурий равишда тизим ўрнатилган хонага газ сизиб чиқишини хабарловчи (газоанализатор) бўлиши шарти билан ўрнатилмоқда.

Жанубий Кореяда эса суюлтирилган углеводород газ баллонларини баланд қаватли тураржой биноларининг биринчи қаватида ёнғинга қарши бўлган деворларнинг орқа томонида ўрнатиш жорий этилган.

Айрим давлатларда эса беш қаватгача бўлган уйларда ҳам газоанализатор бўлиши шарти билан индивидуал

қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

-ижтимоий муҳофазага муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2021 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

-ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин;

-ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлашни таъминлансин.

8.Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (М.Имамов) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор "Уйчинома" газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Имамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М.АПАҚОВ**

Уйчи шаҳарчаси
2020 йил 23 сентябрь.

ачинарлиси, гиёҳванд модда олди-сотдиси, истеъмолига қўл ураётган кимсалар бу кўнгилсизликлар уни четлаб ўтадигандай, бепарво бўлаверишади.

Фуқаро М.Й.нинг яшаш хонадонида ўтказилган тинтув натижасида турли йўллар билан яширинган "марихуана" ва "гашиш" гиёҳвандлик моддалари топилди. Энди М.Й. ушбу жинояти учун қонун олдида жавоб беради.

Комилжон УБАЙДУЛЛАЕВ,
туман ИИБ ҳузуридаги ТБ катта терговчиси, майор.

* * * * * *

БОШГА БАЛО БЎЛГАН ЭКИН

Туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари ҳамкорлигида "Қорадори - 2020" тадбири ҳудудлар бўйлаб давом этмоқда.

Яқинда фуқаро Ш.Ж.нинг яшаш хонадони кўздан кечирилганда 5 туп кўкнор гиёҳвандлик моддасини қонунга хилоф равишда етиштириб келаётгани фош бўлди.

Мазкур жиноят иши бўйича олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари ва тўпланган далиллар асосидаги ҳужжатлар тегишли судлов органига юборилди.

Оббосбек ПОЛВОНОВ,
туман ИИБ ҳузуридаги ТБ катта суриштирувчиси, лейтенант.

орқа томонида ўрнатиш жорий этилган.

Айрим давлатларда эса беш қаватгача бўлган уйларда ҳам газоанализатор бўлиши шарти билан индивидуал иситиш тизими генераторлари тажриба сифатида ўрнатилмоқда. Ушбу тизим бошқа иситиш тизимларига қараганда хавфсизлик жиҳатдан анча юқорилиги амалда исботланмоқда.

Мамлакатимизда ҳам қурилаётган кўп қаватли арзонлаштирилган тураржой биноларида ушбу амалиёт кенг қўлланилмоқда, яъни икки контурли иситиш қозонлари ўрнатилмоқда. Албатта, юқорида қайд этилган давлатлардаги мавжуд ижобий тажрибаларни ўрганиш асосида босқичма-босқич тизимли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, ис газидан заҳарланишнинг олдини олишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш вақти етиб келди. Бу борада нафақат ахборот-коммуникация технологиялари, балки ижтимоий тармоқлар ва мобиль алоқа операторлари имкониятидан фойдаланиш ҳам анча самара беради.

Аъзамжон АҲМАДЖОНОВ,
туман ФВБ бошлиғи, подполковник.

НАФАҚАЛАР "ЯГОНА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ РЕЕСТРИ" ОРҚАЛИ ТАЙИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги "Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 308-сонли қарори қабул қилинди.

Давлат томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси унинг эгаси ва фойдаланувчиси ҳисобланадиган "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими (кейинги ўринларда - тизим) жорий этилмоқда. Унинг ёрдамида аҳолига ёрдам бериш тартиб-тамойиллари автоматлаштирилади ва ижтимоий хизматлар олиш учун мурожаат қилувчилар ва олувчилар тўғрисида ягона маълумотлар базаси шакллантирилади.

"Ягона реестр" АТ томонидан кам таъминланган деб белгиланган оила ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга (ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамнинг фақат бир тури билан бирга тайинланадиган ва тўланадиган компенсациядан ташқари).

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича энг кам ойлик миқдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромадга эга бўлган оилаларга тайинланади.

Мурожаат қилиш тартиби:

яшаш жойи доимий ёки вақтинчалик рўйхати мавжудлиги;

ариза, паспорт нусхаси, никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, васийлик ва ҳомийлик органи қарори;

Ойнинг 15 санасидан кечиктирмай маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш маркази (МФЙ)га топширилади.

Пенсия жамғармаси томонидан 2 иш куни мобайнида аризалари дастурга киритилади:

Паспорт маълумотлар, никоҳ тўғрисида гувоҳнома, фарзандларини бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, яшаш жойи, оила таркиби тўғрисида маълумотлар.

Оиланинг бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотлар.

Аризалар қуйидаги ҳолларда рад этилади:

-оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад 358 мингдан кўп бўлганда;

-оила таркибида меҳнатга лаёқатли ва меҳнат органларида "ишсиз" сифатида рўйхатда турмаган аъзоси бўлганда;

-оила аъзоларининг номида охирги 7 йил давомида (Сирдарё тажрибасида 10 йил ҳисобга олинган) ишлаб чиқарилган транспорт воситаси мавжуд бўлганда;

-2 ёки ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлганда;

-2 ёки ундан ортиқ кўчмас мулк мавжуд бўлганда.

Нафақа тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор инсон омилисиз "Ягона реестр" АТ томонидан автоматик равишда қабул қилинади. Нафақани тайинлаш ёки рад этиш қарор ҳақида аризачи СМС орқали хабардор қилинади.

Жорий йилнинг сентябрь ойида ўзини ўзи бошқариш органларига ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш юзасидан 1 минг 796 нафар фуқародан ариза келиб тушган. Ушбу аризалар БТПЖ туман бўлими томонидан "Ягона реестр" ахборот тизимига киритилмоқда.

Баҳодир КАРИМОВ,
БТПЖ туман бўлими бошлиғи ўринбосари.

ТУНДАГИ ЎҒРИЛИК ОҚИБАТИ

Ҳаёт турли ўнқир-чўнқирликлардан иборат. Бирда борсан, бирда - йўқ. Борлигида шукр айтиб, йўқлигида зикр қилиш ўрнига турли қинғир йўлларни ахтарган инсон, билингки, шайтон измига итоат этган бўлади.

Ҳамюртимиз Э.А. ҳам шундай аҳволга тушиб, ўзини қўлга олишга сабр-тоқати етмади. У ярим тунда қўшнисининг савдо дўконига келиб, бино ойнасини синдиради. Ичкаридан 160 минг сўм нақд пул ва 425 минг сўмлик маҳсулотларни ўғирлаб, уйига олиб келади. Унинг бу қилимиши эртасигаёқ фош бўлиб қолади.

Ушбу жиноий иш жиноят ишлари бўйича туман судида кўриб чиқилди. Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларига асосан жазога тортилди.

Нурмуҳаммад ТУРОБОВ,
туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, лейтенант,
Санжар ШАРОБИДДИНОВ,
туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, лейтенант.